O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 23 август, №172 (3284) | Шанба

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 22 август куни Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Фарит Мухаметшин ишонч ёрлиғи топширди.*

Ўзбекистон-Россия муносабатлари узоқ муддатли стратегик ҳамкорлик тамойилларига таянади. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида ўзаро ишончли мулоқотлар мунтазамлик касб этган. 6 август куни Ислом Каримов ва Владимир Путин Самарқандда учрашиб, Ўзбекистон-Россия муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ислом Каримов Россия элчисини ушбу лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, айни пайтда икки томонлама муносабатлар ўзининг янги палласига кираётганини, мамлакатларимиз олдида ҳамкорликни янги поғонага кўтариш вазифаси турганини таъкидлади. Бунинг учун, аввало, савдо-иқтисодий алоқалар кўламини имкониятлар даражасига мослаш зарур.

Ф.Мухаметшин ўзаро муносабатларни мамлакатларимиз манфаатларига мос тарзда ривожлантириш борасида куч-ғайратини аямасдан меҳнат қилишини таъкидлади.

* * *

Президент Ислом Каримовга Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Игорс Апокинс ҳам ишонч ёрлиғи топширди.

Ўзбекистоннинг Латвия билан муносабатлари барча соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида самарали ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор барпо этилган. Савдо-иқтисодий алоқаларимиз кўлами ҳам ошиб бормоқда. Айни пайтда мамлакатимизда йигирмадан зиёд Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси фаолият юритяпти.

Ислом Каримов Латвия элчисини янги шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан қутлаб, Ўзбекистонда бошлаётган фаолиятига муваффақият тилади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Моҳд Заин бин Абу Бакардан ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Мамлакатларимиз жуғрофий жиҳатдан бир-биридан нисбатан узоқда жойлашганига қарамай, халқаро майдонда яқин ҳамкорлар сифатида ҳамжиҳат ҳаракат қилади. Хусусан, Ўзбекистон БМТнинг Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши каби нуфузли тузилмаларга Малайзиянинг номзодини қўллаб-қувватлаган. Малайзия раҳбарияти эса Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни катта хайрихоҳлик билан кузатиб, мамлакатимизнинг халқаро ташаббусларини ёқлаб келади.

Икки давлат ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини жадал ривожлантирмоқда. Малайзиянинг техникавий ҳамкорлик дастури доирасида ҳар йили ўзбекистонлик мутахассислар ушбу мамлакатда малака ошириб келади. Томонлар ахборот технологиялари, сайёҳлик ва меҳмонхона бизнесини ривожлантиришда ҳамкорлик кўламини оширишга киришган.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги муносабатлар қамрови кенгайиб, ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

**(ЎзА).**

## Китоб — нур, китоб — зиё манбаи



***“Агар ёлғиз эсанг ҳамдам китобдир,***
***Билим субҳидаги нур ҳам китобдир”,***

*деб ёзган алломалар бу билим манбаи кишини нечоғли юксакликларга кўтаришини эътироф этишган. Зеро, китоб — маънавиятимиз ва руҳиятимиз озуқаси. У билан дўстлашиш кишини нафақат юксалтиради, балки жаҳонни танишда ҳамроҳлик қилади, эзгуликларга етаклайди.*

*Тошлоқ тумани марказий кутубхонаси жамоасига китобсеварларга ана шу йўлда хизмат қилиш, очиғи, хуш ёқади. Кутубхонани янги китоблар билан бойитиш, учрашув ва суҳбатлар уюштиришда уларга ҳавас қилса арзийди. Яқинда Марғилон шаҳридаги “Гулшан” очиқ турдаги китоб савдо ҳиссадорлик жамиятидан янги бадиий ва болалар адабиётлари сотиб олинди. Бу китоблар марказий кутубхона ва унинг тизимидаги зиё масканлари китоб жовонларидан жой олди.*

***СУРАТДА: марказий кутубхона ходими Шаҳноза Мўминова.***

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Андижон вилоятини Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Вилоят аҳлининг мамлакатимиз тараққиёти ва салоҳиятини юксалтириш, барча тармоқларда ислоҳотларни изчил амалга ошириш йўлида фидойилик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатаётгани, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта ишларини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Андижон вилояти Амир Темур ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Хоразм вилоятини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Хоразм элининг улуғ аждодларимизга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат анъаналарини муносиб давом эттириб келаётгани, мураккаб табиий шароитларда матонат хусусиятларини намоён этиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришаётгани, буюк тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаб, дунёга машҳур этишда, ёш авлодимизни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Хоразм вилояти Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август.

### Олий Мажлис сессияси олдидан

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги XII сессияси кун тартибига Ватанимиз ва халқимиз учун ғоят қадрли бўлган олий ҳужжатлар муҳокамаси киритилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги масала, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонун (янги таҳрир) лойиҳаси, “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Хусусий корхона тўғрисида”ги (биринчи ўқиш), “Банк сири тўғрисида”ги (иккинчи ўқиш) қонунлар лойиҳалари ҳам тасдиқланиб, кучга кирса, сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда жиддий ўрин тутадиган ҳужжатлар бўлади, деб ўйлаймиз.*

## МАТБУОТ, ҚОНУН ВА ИЖРО САМАРАСИ

**Олий Мажлиснинг барча қўмита ва комиссияларида қизғин иш бормоқда. Парламент фаолиятининг яна бир жиҳати — қонунлар ижросини мунтазам назорат қилиб боришдир. Унинг натижаларини матбуот орқали халққа етказиш ҳам ўта муҳим масала. Шу боис республикамиздаги барча оммавий ахборот воситалари бунга катта эътибор қаратмоқда. Бизнинг айнан шу ҳақдаги саволларимизга Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир ҲОШИМОВ қуйидагича жавоб берди.**

— Бошқа қўмиталар қатори Матбуот ва ахборот қўмитаси ҳам икки сессия оралиғида ушбу йўналиш бўйича анча ишларни амалга оширди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги ва “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунларининг Қорақалпоғистон Республикасида қандай бажарилаётганини ўрганди.

Маълум бўлишича, Қорақалпоғистон Республикасида “Реклама тўғрисида”ги Қонун ижроси юзасидан талай ишлар қилинган. Айниқса, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси томонидан тайёрланган маънавиятга алоқадор рекламаларга жиддий аҳамият берилган. Шу билан бирга, республикада матбуот, телевидение ва радиода рекламаларга етарли даражада аҳамият берилаяпти, дейиш қийин. Ҳолбуки, реклама бир томондан иқтисод ривожига ёрдам берса, иккинчи томондан оммавий ахборот воситалари учун ҳам зарур. Республикада ташқи рекламаларни жойлаштиришда қатор камчиликларга йўл қўйилган. Қўмита йиғилишида бу ҳақда ошкора сўз юритилди.

Қорақалпоғистонда “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун ижроси бўйича қўмита қабул қилган қарорни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳам анча тадбирлар амалга оширилган. Бугунги кунда кўплаб газета ва журналлар офсет усулида босилаяпти. Нукусда замонавий матбаа корхонаси ишлаб турибди. Чоп этилаётган китоблар сифати яхшиланиб боряпти. Бу ютуқлар қўмитамиз томонидан маъқулланди ва келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди.

Қўмитамиз Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирган “Миллий анъаналарни мустаҳкамлаш ва урф-одатларни ҳамда удумларни шакллантиришда маҳалла билан ОАВнинг ҳамкорлик фаолияти” мавзусидаги давра суҳбати қизғин ўтди. Унда “Оила” илмий-амалий маркази, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, “Маҳалла” жамғармаси ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, журналистлар иштирок этдилар. Маҳалла фаолиятини миллий қадриятларимиз билан уйғун ҳолда кенгроқ ёритиш зарурлигини таъкидладилар.

Айни пайтда бошқа қўмиталар фаолияти ҳам қизғин давом этмоқда. Бўлажак сессия фаолиятида қўмиталарнинг амалий ишлар натижалари акс этиши, шубҳасиз.

**Рустам ЁРЛАҚАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш бўйича мурожаати ва бир қатор жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олиб, мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучларнинг ёвуз ҳаракатлари олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг ҳаётий аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси* **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, мутасадди ва дахлдор жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури” маъқуллансин. Тегишли давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан Дастурнинг бажарилишига етарлича кўмак ва ёрдам берилсин.

2. Дастурдаги тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг таркиби маъқуллансин.

Дастур ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус жамғарма тузиш ҳақидаги таклифи ва жамғарма Низоми маъқуллансин.

3. Диний ташкилотлардан коммунал хизмат (газ, сув, электр ҳақи ва бошқа хизматлар) учун олинадиган тўловларни ишлаб чиқариш корхонаси даражаси ўрнига жисмоний шахслардан олинадиган миқдорда белгилаш ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини қондириш юзасидан 10 кун муддат ичида Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши қабул қилинсин.

Бунинг натижасида ҳосил бўлган ва бошқа хайрия маблағларини мазкур жамғарма ҳисобига ўтказиш, уни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги масжид-мадрасаларни таъмирлаш, диний таълим муассасаларининг ўқув ва моддий базасини мустаҳкамлаш, уларга замонавий шароит яратиш, ўқитувчи-мударрис ва имом-хатибларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларига сарфланиши назарда тутилсин.

4. Маданий мерос объекти сифатида давлат рўйхатига олинган диний обидалар белгиланган тартибда жойлардаги Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциялари билан тузилган “Фойдаланиш ва муҳофазалаш шартномалари” асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилсин ҳамда тўпланадиган хайрия маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат ўрнатилсин.

5. Ислом маъҳади ва ўрта махсус ислом билим юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилсин ҳамда ана шу ҳужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилсин.

6. Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғуломов), “Ўзтелерадио” компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), республика оммавий ахборот воситаларига “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури”да белгиланган тадбирларнинг моҳияти ва ижросини ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳуснидинов ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август.

## Жасорат ҳақида сўз




*Кеча Ўзбекистон тарихи давлат музейида қашқадарёлик ижодкор Поён Равшановнинг «Қашқадарё: истиқлол арафасида» деб номланган китобининг тақдимотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Юртимизнинг таниқли адабиётшунос олимлари, ёзувчи, шоирлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу анжуманнинг бошқа маросимлардан кескин фарқ қилганини таъкидлаш жоиз.*

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов олиб борган тақдимот маросимида таъкидланганидек, бу китоб Президентимизнинг Қашқадарё вилоятида 1986-1989 йиллар мобайнида раҳбар бўлиб ишлаган даврини тўла-тўкис акс эттирган. Ундаги ҳар бир жумла ўзига хос салмоққа эга. Тўғри, дунёнинг бошқа мамлакатларида Президентлар, давлат раҳбарлари ҳақида битилган китоблар кўп. Бу йўналишдаги китоблар бизда ҳам мавжуд, лекин бу асар фақатгина Ислом Каримовнинг шахси ҳақида эмас, балки унинг тақдири эл-юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқлигини кенг акс эттиргани учун ҳам ибратлидир. Ҳамма даврларда ҳам ҳукмдор бўлган, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам халққа қайишган, унинг оғирини енгил қилган, деб бўлмайди. Бу фикрга исбот учун тарихдан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин...

### Тақдимот

Ватанимизнинг мустақиллик йўлидаги курашлари тарихида Президентимиз Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги раҳбарлик фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. Халқимиз, миллатимиз учун ўта оғир бўлган ўша йилларда у киши қатъий туриб собиқ Марказдан келган ҳар хил кучларга қарши мардонавор курашган, қонли қатағонларга ғов бўлиб, одамлар манфаатини кўзлаган, уларни турли ҳақоратлардан ҳимоя қилган эди. Китобдаги воқеалар ўша йилларда Ислом Каримов билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлган, у кишининг шижоатини, жасоратини ўз кўзи билан кўрган одамларнинг жонли хотираси орқали баён этилади. Энг муҳими, бу китоб бир тоифа китобхонлар учун эмас, юртимизда истиқомат қилаётган каттаю кичик учун ниҳоятда керакли асардир. Чунки ундан раҳбар одам қанақа бўлиши керак, деган саволга жавоб топасиз, инсон мураккаб вазиятларни қандай енгиб ўтмоғи хусусида ўрнак бўларли маслаҳатлар оласиз. Камтаринлик, кишилар билан муомала маданияти ва бошқа бир қатор инсоний фазилатларни феъл-атворида мужассам эттан раҳбарни одамлар қай даражада эъзозлаганини мана шу китоб исботлайди.

— Ҳар ким ҳам раҳбар бўла олмайди ва ҳамма раҳбар ҳам жасоратли, шижоатли бўлавермайди, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Мен бу китобда ёзилган воқеа-ҳодисаларнинг кўпига ўзим гувоҳман, Ислом Каримовнинг ҳақиқат учун ҳеч нарсадан ҳайиқмай ҳаракат қилишидан ҳар доим ҳайратланаман. Қашқадарёнинг ўша пайтда юзага келган мураккаб вазиятини бу инсондан бошқа ҳеч ким енгиб ўтолмасди. Бунинг учун юракда катта жасорат, одамларга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат лозим эди. Айни шу ва бошқа одамийлик жиҳатлар Ислом Каримовда мужассам бўлгани боис қашқадарёликлар бу инсонга суянди, унинг ҳар бир сўзига амал қилди, ғояларига ишонди. Пировардида турмуш тарзи яхшиланди. Шунинг учун ҳам қашқадарёликлар Ислом Каримовни ўзларига тоғдек таянч деб билади, яхши кўради.

Тадбирда, шунингдек, яна бошқа ижодкорлар сўзга чиқиб, бу асар бугунимиз учун ҳам, келажак авлод учун ҳам ниҳоятда зарур бўлган жиҳатларни акс эттирганлиги билан ажралиб туришини таъкидладилар, шундай эзгу ишга қўл ургани учун муаллифга ташаккур изҳор этдилар.

Китобнинг тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов сўзга чиқди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Халқ сўзи мухбири.**

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

*Барча даражалардаги, биринчи навбатда, хўжалик юритувчи субъектлар ажратадиган маблағлар ҳисобига таъминланадиган бошқарув органлари ходимларининг амалдаги сонини ўрганиб чиқиш натижасида ходимлар сонининг асоссиз равишда ўсиши ҳамда ходимлар сони кўп бўлган бошқарув аппарати сақланиб келиниши билан боғлиқ салбий ҳолатлар аниқланди.*

*Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқарув тузилмалари раҳбарлари ҳар йили бошқарув аппарати қисқартирилишига қарамай, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сифатида ҳамон ҳаддан ташқари ортиқча кенгайтириб юборилган бошқарув ходимларига эгадирлар, уларнинг таъминотига ҳам бюджетдан ажратиладиган маблағлар, ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларидан ажратиладиган маблағлар, кўп ҳолларда хизматларга нархлар ва тарифлар ўсиши ҳисобига сарфланмоқда. Бунга, шунингдек, бошқарув тузилмалари ходимларининг чекланган сонини хизмат кўрсатувчи ходимларни кўрсатмасдан тасдиқлашнинг мавжуд амалиёти ҳам имкон бермоқда.*

*Масалан, “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви аппарати ходимларининг чекланган сони 58 нафар этиб белгиланган ҳолда унинг ходимларининг амалдаги умумий сони бундан 2,4 баравар кўпдир ва 137 нафарни, шу жумладан, хизмат кўрсатувчи ходимлар 79 нафарни ташкил этади. “Ўзқишлоқхўжаликкимё”, “Ўзбектуризм” компаниялари, “Ўзмашсаноат” уюшмаси, “Ўзфармсаноат” давлат концернида ҳам аҳвол худди шундай. Уларда ходимларнинг амалдаги умумий сони бошқарув ходимларининг белгиланган сонидан 2 баравардан ортиқдир.*

*Бошқарув органлари ходимлари сонини тартибга солиш, маблағ билан таъминлаш манбаларидан қатъи назар, улар таъминотига сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси* **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

ҳам бюджет маблағлари, ҳам хўжалик фаолиятидан маблағ ажратиш ҳисобига маблағ билан таъминланадиган давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ходимларининг чекланган умумий сони, маъмурий-бошқарув ходимлари шу жумладан алоҳида ажратиб кўрсатилган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарув органлари аппарати ходимларининг белгиланган чекланган умумий сонига риоя қилиниши, унинг ўзгариши динамикаси ва манбаларидан қатъи назар бошқарув аппарати таъминотига харажатларнинг мониторингини олиб боради.

Вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқарув органлари раҳбарларига улар учун белгиланган ходимларнинг умумий сони ва уларнинг таъминотига чекланган харажатлар доирасида бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари рўйхатини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий орган-

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

лари бўйича бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг ҳисоблаб чиқилган нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2004 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети ҳисобига таъминланадиган бошқарув органларининг харажатлари сметаси ва молиялаштирилишини рўйхатдан ўтказишни бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг тасдиқланган ҳисоблаб чиқилган нормативларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарор қоидаларидан келиб чиқиб амалга оширсин.

4. Солиқ органларига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сонидан ортиқча ходимлар сақланиши аниқланган тақдирда бюджетдан таъминланадиган ташкилот бўлмаган тегишли бошқарув органларидан қўшимча равишда сақлаб келинган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг йиллик фонди миқдорида жарима ундириш ҳуқуқи берилсин.

Кўрсатиб ўтилган ҳоллар давлат бюджети ҳисобига таъминланадиган бошқарув органларида аниқланган тақдирда ушбу ташкилотлар раҳбарлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

5. Белгилансинки, давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бошқарув органлари томонидан ходимларнинг умумий сонини қисқартириш натижасида тежалган маблағ олиб қўйилмайди ва ушбу органларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

статистика ҳисоботи шаклларига мазкур қарор талабларига мувофиқ ахборот тақдим этилишини таъминловчи тегишли ўзгартиришлар киритсин;

молия органларига бошқарув органлари ходимлари умумий сони мониторингини олиб бориш учун тегишли ахборотни тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август.

# Истеъдодли қизлар — юрт истиқболи

*"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб "Истиқлол қизлари — юрт истиқболи" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари, Президент стипендиатлари, турли жабҳаларда фаол ишлаётган истеъдодли қизлар, бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.*

Юртимизда хотин-қизларнинг бадиий ижод, санъат, тиббиёт, спорт, таълим-тарбия ва бошқа соҳалардаги ютуқларини рағбатлантириш, истеъдодини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш доимий эътиборда. Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан Зулфия номидаги давлат мукофоти, Ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти, турли давлат ва жамоат ташкилотлари стипендиялари таъсис этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси гранти орқали бир қанча қизлар тараққий этган хорижий давлатларда таҳсил олаётир.

Оила, она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Ўтган йиллар давомида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Кўп болали кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва ногирон болаларга тинимсиз ғамхўрлик қилинмоқда. Соғлом оилани шакллантириш, ёшларни турмушга тайёрлаш, аёлни эъзозлаш, оиланинг жамият ривожидаги ўрнини ошириш, келажагимиз эгаларининг соғлом ва маънавий етук бўлиб воояга етишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётир.

Аёллар ўртасида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида ҳам кўпгина ишлар олиб борилаётир. Шу мақсадда жойларда ижтимоий кўникмалар марказлари ташкил этилмоқда. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга ҳунар ўргатиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашишда бундай тузилмалар фаолияти яхши натижа беряпти.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д.Ғуломова сўзга чиқди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истиқлол байрами арафасида юртимиз аҳолиси, жумладан, пойтахтликлар дастурхонини янада серфайз этиш мақсадида махсус фармойиш қабул қилди. Унда жойларда махсус ярмаркалар ташкил этиш кўзда тутилган.

Анъана тусига кириб қолган ушбу тадбир ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Фармойишда белгиланганидек, шаҳри азим Тошкентнинг барча туманларида 10 сентябрга қадар давом этадиган қишлоқ хўжалиги ва истеъмол моллари савдо-ярмаркаси очилди. Пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонлари картошка, сабзавот, узум, қовун-тарвуз, асал, гўшт, сут каби кўплаб турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозордагидан нисбатан арзон нархларда харид қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани аҳолиси учун савдо-ярмаркаси "Авиасозлар" маданият саройи ёнидаги майдонда ташкил этилди.

— Шаҳарликлар байрам дастурхонини она юртимиз саховатли заминида етиштирилган ноз-неъматлар билан янада тўкин-сочин қилиш мақсадида вилоятимиз соҳибкору боғбонлари ўнлаб турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тортиқ этмоқда, — дейди Наманган вилояти ҳокимлиги вакили, "Осиё" фирмаси директори ўринбосари Обиджон АБДУҚАҲҲОРОВ ЎзА мухбирига. — Аҳолига намунали хизмати кўрсатиш учун Ҳамза тумани ҳокимлиги бизга барча зарур шароитни яратиб берди. Бугун биринчи куниёқ 150 тоннадан зиёд маҳсулот сотилди. Вилоятимиз миришкорлари ярмаркага бир ярим минг тонннадан ортиқ маҳсулот етказиб беришга аҳд қилган.

**Олим НОРБЕКОВ.**

Беруний туманида касб-ҳунар коллежлари биноларини таъмирлаш борасидаги ишлар жадал олиб борилмоқда. Шу кунгача 3 та касб-ҳунар коллежи бинолари қайта таъмирланиб, талабалар ихтиёрига берилган эди.

Куни кеча Беруний педагогика касб-ҳунар коллежининг қайта таъмирланган биноси фойдаланишга топширилди. «Беруниййагроқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бу ерда 705

## Тўртинчи коллеж биноси

миллион сўмлик иш бажардилар. Коллеж энг замонавий ўқув қуроллари, компьютер синфлари билан жиҳозланди.

— Қуйи Амударё воҳасидаги кўп йиллик тарихга эга бу маскан мамлакатимиз мактаблари учун ўн тўрт минг нафардан кўпроқ малакали педагоглар тайёрлаб берган, — дейди туман ҳокими, Жўқорғи Кенгес депутати Тоҳиржон Самандаров. — Янгиланган бинода бу жараён янада юксак мазмун касб этади.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Газетада босилмади, аммо...



# Мактаб газлаштирилади

**Чироқчи тумани Хўжаабдужаббор қишлоғида яшовчи З.Хуррамовнинг таҳририятимизга йўллаган шикоят хати ҳудуддаги 30-ўрта мактабнинг газлаштирилмаганлиги, халқ таълими бўлими, туман ҳокимлигига қилинган мурожаатлар натижасиз қолгани хусусида эди. Мазкур хатни текшириш учун Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасига юборган эдик. Бошқарма бошлиғи Р.РАЖАБОВ имзо чеккан расмий жавобда шундай дейилади:**

"Мактабнинг иссиқлик тизими туман ҳокимининг фармойиши билан 2002 йил таъмирланган эди. Ҳокимлик томонидан тузилган комиссия эски иссиқлик тармоғини 993800 сўмга нархлаб, аҳолига сотиш эвазига мактабни газлаштиришни режалаштирганди. Нархланган эски иссиқлик тармоғи қувурлари, қозонхона генераторларини ҳеч ким олмагани учун режалаштирилган иш амалга ошмай қолган. Туман ҳокимининг шу йил апрель ойидаги фармойишига асосан 30-мактабни газлаштириш учун икки миллион сўм маблағ ажратилди. Табиий газ ўтказиш учун "Ўзгазлойиҳа" Қашқадарё филиали томонидан лойиҳа ва смета ҳужжатлари тайёрланди. 2003 йил июнь ойидан мазкур мактабни газлаштириш ишлари "Камалак-Б" хусусий фирмаси томонидан бошланди".

## Олий Мажлис сессияси олдидан



### Сиз сессиядан нимани кутаяпсиз?

## Жўшқинлик омилига айланади

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида кўриладиган ҳар бир масалага жиддий эътибор билан қарайман. Матбуотда эълон қилинган қонунлар лойиҳаларини биринчи галда ўқиб чиқиб, ўзимча мулоҳаза юритаман. Имконини топсам, шахсий фикрларимни билдираман.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессияси кун тартибига қўйилган масалаларнинг бир-биридан муҳимлиги мени хурсанд қилди. Бу депутатларимизга жўшқинлик ва ишчанлик бағишлайди, деб ўйлайман.

Сессиядан кутаётганим — кун тартибидаги қонун лойиҳаларининг мукаммаллаштирилган ҳолда қабул қилинишидир. Ҳадемай, икки палатали парламентнинг фаолият бошлашига, Олий Мажлисга сайловларнинг янада демократик тус олишига навбатдаги сессиямиз янада кенгроқ йўл очади, деб умид қиламан.

**Абдукарим СИРЛИЕВ,**
**Жомбой тумани.**

## Мижоз манфаати устун

**бўлсагина қонунлар ишлайди, яшовчан бўлади дейишмоқда фарғоналик сайловчилар**

**Набижон АЗИМОВ, Фарғона шаҳридаги «Малҳам» тижорат ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари:**

— Тан олиш керак, мамлакатимизда тадбиркорлар, ишбилармонларга тобора кенгроқ имкониятлар яратиб берилаяпти. Бу ниҳоятда маъқул иш. Лекин уларнинг манфаатини, фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан асослайдиган қонун йўқлиги бизни анчадан буён қийнаб келаётганди. Агар XII сессияда «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси маъқулланса, фаолиятимиз эркинлиги таъминланади. Тадбиркору ишбилармонлар фаолияти давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояга олинади.Янги қонун хусусий корхоналар манфаатига хизмат қилади, у туфайли табиийки, ишларимиз янада юришади.

**Мурожон АЗИМОВ, «Пахта Банк»нинг Тошлоқ тумани бўлими бошқарувчиси:**

— «Банк сири тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинаётганда қизиқ савол ўртага ташланди: «Янги қонун банк манфаатини ҳимоя қиладими ёки мижоз манфаатиними?» Машварат адоғида эса ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди: «Ҳар қандай қонун умумхалқ манфаатига хизмат қилсагина, чинакам кучга эга бўлади».

Шу нуқтаи назардан қараганда, уни барчанинг манфаатини ҳимоя қиладиган қонун деб бемалол айтиш мумкин. Биз банкирлардан илгарилари текшириш органлари маълумот талаб қилса, беришга мажбур эдик. Энди ушбу масалага янгича талаблар бўйича ёндашишимиз мумкин бўлади. Чунки бу қонун фақат банк обрўсини эмас, балки мижозларнинг ишончи ортишига ҳам хизмат қилади. Швейцария банкларининг дунё миқёсида эътироф этилишига, шу йўсиндаги қонунга қатъий амал қилиб келинаётганлиги бош омил эканлигини кўпчилик яхши билади. Бизнинг банкларимизга ҳам янги қонун туфайли ишонч кучайишига аминман.

**Суҳбатдош**
**«Халқ сўзи» мухбири**
**Набижон СОБИР.**

# «ҚАРАШЛАРИМИЗДАН ВОЗ КЕЧГАНИМИЗ ЙЎҚ»

## Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси И. Кочмарик билан суҳбат

**— Изидор Андреевич, ўтган бир йил ичида икки палатали парламентга ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди. Уларнинг айримлари ҳозир умумхалқ муҳокамасига ташланган. Айтинг-чи, фракциянгиз ана шу қонун лойиҳалари бўйича ишлаб чиқилган ўз нуқтаи назарини тўлиқ ҳимоя қила олди, деб ҳисоблайсизми?**

— Ўтган йилнинг апрель ойида Олий Мажлиснинг VIII сессиясида 2002 йил 27 январида бўлиб ўтган референдум якунларига мувофиқ, парламент қонунчилик фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинганидан кейин, фракциямиз бу ишга фаол киришди. Биринчидан, фракциямиз аъзолари Олий Мажлис қўмиталарида тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этди. Шу билан бирга, фракциянинг кўпгина аъзолари ва унинг ишига жалб қилинган экспертлар парламент ислоҳоти концепциясига доир масалалар муҳокама этилган кўплаб анжуманларнинг фаол иштирокчилари бўлдилар. Шунингдек, кейинги учта сессиянинг ҳар бири олдидан фракция мажлисларида парламент ислоҳотига оид муҳим қонунлар лойиҳалари олдиндан муҳокама қилиниб, яхлит нуқтаи назаримиз ишлаб чиқилди. Биз кўплаб таклиф-мулоҳазаларимиз инобатга олинаётганлигидан мамнунмиз.

Бироқ фракциямизнинг ушбу масалаларга доир мулоҳазалари ҳамиша ҳисобга олинади, дейишдан йироқмиз. Чунончи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокамасининг дастлабки босқичидаёқ, биз унинг кўппартиявийлик асосидаги сайловлар натижасида шаклланиши кўзда тутилаётганлигидан келиб чиқиб, бўлажак сайловларни партиялар рўйхатлари бўйича ўтказиш мақсадга мувофиқ, деган фикрни олға сурдик. Зеро, бундай сайловларда фуқаролар алоҳида олинган шахслар учун эмас, балки сиёсий партияларнинг таклиф этилган дастурлари учун овоз берадилар. Ёки мажоритар (бир мандатли сайловлар) ва пропорционал (партиялар рўйхатлари бўйича сайлаш) тизимларни, ГФРдаги каби, уйғунлаштириш йўлидан бориш мумкин эди. Олий Мажлис сессиясида фракциямизнинг ушбу таклифи ўтмади. Биз сайловларнинг янгича усулига ўтиш учун жамиятимизнинг сиёсий маданиятини янада ўстириш талаб қилинишини, бунинг учун эса муайян муддат кераклигини идрок этиб, ўз таклифимизни ўтказиш жон-жаҳдимиз билан тиришмадик.

Парламентнинг XII сессиясида иккинчи ўқишда кўриб чиқилиши мўлжалланаётган Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (янги таҳрирда) бўйича ҳам фракциямиз талай, жумладан, сайловларни ташкил этишга оид таклифларни тақдим этди. Улар қабул қилинган тақдирда, сайлов участкалари ва округларида овоз беришни ҳамда овозларни санаб чиқишни ташкил этиш жараёнларининг янада очиқроқ бўлиши таъминланарди. Демакки, уларни назорат қилиш қулайроқ бўлади. Шунинг учун, сессияда биз бу тўғридаги нуқтаи назаримизни ҳимоя қилмоқчимиз.

**— ХДП ўтган сайловолди чиқишларида коммунал хизмат муаммоларини ечишга қаратилган таклифларни илгари сурган эди. Очиғи, ўшанда кўпчилик сайловчилар бунга ишонган ҳам эдилар. Аммо бу борада ўтган йиллар давомида нимагадир айтарли ижобий ўзгаришлар юз бергани йўқ. Бу ҳол навбатдаги сайловолди курашларида партиянгиз обрўсига путур етказиб, жамоатчиликда номзодларингизга нисбатан ишончсизлик кайфиятини туғдиришга сабаб бўлмасмикин?**

— Авваламбор, 1999 йилги сайловолди мавсумида ким нима ваъда бергани ва уй-жой-коммунал хўжалик жабҳасидаги етилган муаммоларнинг ечими кимга боғлиқ эканлиги тўғрисидаги масалага аниқлик киритайлик.

Ўшанда, биз бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчининг баҳоларни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқини тан олган ҳолда, ишлаб чиқарувчи-монополистлар томонидан давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг қўллаб-қувватлашлари билан, аҳолини сув, иссиқлик, газ билан таъминлаш, коммунал хизматлар учун нархларнинг ошириб юборилишига қарши чиққан эдик.

### Партия фракцияларида

Бундай қарашларимиздан ҳозир ҳам воз кечганимиз йўқ. Партиямиз фракцияси аъзолари Уй-жой эгалари ширкатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашда ва унинг қабул қилинишида бевосита иштирок этдилар, мамлакат Президенти ва республика ҳукуматининг уй-жой ва коммунал хўжалик ислоҳотига доир йўлини қўллаб-қувватлади.

Лекин партиямизнинг ушбу соҳадаги барча ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун у парламентда тегишли мақомга эга бўлиши лозим. Афсуски, 1999 йилги сайловларда биронта ҳам сиёсий партия депутатлари парламентда кўпчиликни ташкил эта олмади. Ўзбекистон ХДП Олий Мажлисда фақат 20 фоиз ўрин олди. Бу эса парламентда биз истаган қонунларни қабул қилишда ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш учун етарли эмас.

Маълумки, фуқароларнинг кўпчилиги олдинги сайловларда давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари томонидан кўрсатилган номзодларга овоз бердилар. Натижада Олий Мажлисда улардан сайланган депутатлар кўпчиликни ташкил этди. Айни улар сайловчилар билан бўлган сайловолди учрашувлари, матбуотдаги ("Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари саҳифаларида ҳам) чиқишларида уй-жой ва коммунал хизматлар соҳасини тубдан яхшилашга ваъдалар берган эдилар. Бу ваъдаларнинг бажарилиши ҳақида шундан ҳам билса бўладики, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 17 февралида бўлиб ўтган мажлисида уй-жой ва коммунал хўжалик соҳасида ислоҳотларнинг боришида ҳам катта муаммолар борлиги таъкидлаб ўтилди. Уй-жойлардан фойдаланишнинг марказлашган тизими тугалланди-ю, аммо хизматлар кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат муҳити юзага келмади. Бунинг ўрнига, АП (ижарадаги корхоналар) ва ЖЭК (уй-жойлардан фойдаланиш идоралари)лар ўрнида (ҳар бир АП ёки ЖЭК ҳудудида 4-5 тадан) уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилиши оқибатида маъмурий-бошқарув аппарати хизматчилари ва техник ходимлар сони кўпайиб, хусусийлаштирилган уйлардан фойдаланиш учун фуқароларнинг сарфлари кескин ортди. Устига устак, коммунал хизматлар бозоридаги иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши натижасида нарх ва тарифларнинг маҳаллий молия идоралари томонидан қатъий белгилаш амалиётидан воз кечилиши муносабати билан уларнинг баҳоси инфляция суръатларига қараганда тезроқ ошиб бормоқда. Масалан, 2002 йилда Тошкент шаҳрида уйларни марказлашган тарзда иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш нархи 2,5 мартадан зиёд ортди.

Бунинг асосий сабаблари, Юртбошимизнинг кейинчи қатор чиқишларида таъкидланганидек, ҳудудий ва тармоқ бошқарув идораларининг маъмурий-буйруқбозлик ҳамда тақсимлаш тизими асири бўлиб қолаётганидадир. Келгуси сайловларда парламент ислоҳотига оид қонунларда муҳрланган қоидаларга мувофиқ, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидан депутатликка номзодларни кўрсатишдан воз кечилиши ушбу масалада, албатта, ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Айтганларимиздан, Ўзбекистон ХДП уй-жой—коммунал хўжалик муаммолари билан шуғулланишни йиғиштириб қўйган, деган хулоса чиқармаслик керак. Аксинча, партиямиз мавжуд имкониятлар доирасида уларга доимо эътибор бериб келмоқда. Чунончи, Марказий Кенгаш V пленуми партиянинг диққатини ушбу муаммоларга қаратиб, ХДПдан сайланган барча депутатлар, маҳаллий партия ташкилотларига аҳолини ташвишлантираётган ижтимоий масалалар билан муттасил шуғулланишни тавсия берди. Партиямиз матбуот нашрлари ушбу мавзуларда кўплаб чиқишлар қилмоқда. Депутатларимиз фуқароларнинг мурожаатларига жавобан ижтимоий масалаларни жойида ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда.

**— Айтинг-чи, фракциянгиз икки сессия оралиғида қандай ижтимоий муаммолар юзасидан ўзининг нуқтаи назарини очиқ билдириб, кўпчиликнинг эътиборини тортди, деб ўйлайсиз?**

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги Қонун (янги таҳрирда) лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилиниши биланоқ, унга бағишлаб "давра столи" атрофида учрашув ўтказилди. Яна шу давр мобайнида, биз, партиямиз марказий матбуот нашрлари таҳририятлари билан биргаликда, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамасини ўтказдик. Унинг давомида тушган муҳим тузатиш ва қўшимчаларни умумлаштириб, Олий Мажлиснинг тегишли тузилмаларига тақдим этдик ва бўлажак сессияда уларни ҳимоя қилиш ниятидамиз.

Ҳозир биз фракциямизнинг навбатдаги йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Унда парламентнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши таклиф этилган масалалар кўриб чиқилади. Ўйлайманки, ушбу ва бошқа барча муҳим масалаларнинг муҳокамаси фракциямиз йиғилишида фаоллик билан ўтади ва улар юзасидан фракциямиз ёндошувлари тўла аниқланади.

**Суҳбатдош**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Мустақиллик асослари

*Навқирон Ўзбекистон ўз Йўлбошчиси раҳбарлигида мустақил демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлатчилигининг ўн икки йиллигини нишонламоқда. Кайҳоний илмга кўра, ҳар ўн икки йил инсон умри ва қисматининг яхлит бир туркуми, жисмоний, ақлий-шуурий, ҳиссий-руҳий камолотининг такрорланмас меъёри, мувозанат ўлчови, энг муҳими, кейинги сифат ва сийрат такомилининг пойдевори, дебочасидир. Дастлабки ўн икки йил қанчалик жисмоний, маънавий-руҳий соғлом, истиқболли, умидбахш ва мустаҳкам бўлса, кейингилари ҳам шундай бўлади. Замон-вақт диалектикасининг қонунияти бу!*

*Вақт манзиллари — ўтган замон (кеча), ҳозирги замон (бугун) ва келаси замон (истиқбол), - ворисийлик ҳамда муштараклик фалсафаси ўлароқ, аслида Яхлит вақт-замонлар чорраҳалари уйғунлигининг мангу мавжудлигидир. Шу маънода истиқлолнинг илк одимлари ҳам бағрида демократик тамаддун камолотнинг, мустақил давлатимизнинг асосчиси — Йўлбошчимиз сиёсий таълимотининг кашфиёти — «ўзбек модели»нинг жумлаи-жаҳон тан берган машҳур беш тамойили — ўзига хосу мос туб ислоҳий-тадрижий йўли қадриятини асраб-авайладики, замонлар ўлчови билан қараганда, бу энди кеча, яъни ботинида бугуну эртани яхлитликда қамраб олган яқин ўтмиш бўлиб қолди.*

## Теран тафаккур қудрати

Қисматнинг туб бурилиш нуқталари, жамиятнинг моҳиятан бир-бирини инкор қилувчи чорраҳалари, миллий тикланиш босқичлари янгича цивилизация мақомида мутлақо оҳорли қадриятларга, фавқулодда қудратли шахсларга табиий эҳтиёж туяди. Ва уларнинг ўзи шу табиий эҳтиёжини ботинан қондиришга киришади. Агар шунга муваффақ бўлса, мақсадга эришилади, аксинча бўлса, ҳалокатта маҳкум этилади.

Не бахтки, тоталитар дунё исканжасидан қутулган Ўзбекистон тақдирнинг шафқатсиз чорраҳасида ўз қисмати эҳтиёжини ўзи қондиришдек шарафга муяссар бўлди. Аниқроқ қилиб айтганда, Ислом Каримов ўтиш босқичидек мураккаб даврнинг шафқатсиз юкини, масъулиятини фавқулодда матонат билан мардларча зиммасига олиб, буюк жўмардлик ила цивилизациялар бешиги бўлмиш она-юртида уни янги цивилизация — буюк келажак сари бошлади. Эҳ-ҳе, не риёзатлару не заҳматлар чекмади у.

Маълумки, шахс эпохаллиги, энг аввало, унинг тафаккур қудрати, шу қудрат замирида ўз буюк ғоялари, қарашларини ҳар қандай шароиту вазиятда ҳам мардона амалга оширишдек фавқулодда салоҳияти билан боғлиқ. Кўҳна мозий не-не мумтоз ғояларнинг гувоҳи бўлмаган. Лекин камдан-кам ҳоллардагина улуғ ғоялар амалий ижросини топган. Фақат фавқулодда қудрат соҳибларига ана шундай саодатли неъмат инъом қилинган.

Ислом Каримовнинг теран сиёсий тафаккури мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажак сари ўзига хосу ўзига мос йўли стратегиясини кашф этишда намоён бўлди. «Ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойили, миллий камолотнинг туб демократик ислоҳий-тадрижий йўли Юртбошимиз сиёсий назариясининг ҳаётбахш ифодасидир.

Шу тариқа Йўлбошчининг теран тафаккури инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг назарий-амалий стратегиясини, конституциявий-ҳуқуқий мақом-мақсадини аниқ белгилаб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти, яъни буюк келажак сари йўлнинг илмий-назарий асосларини намоён этди.

# ИСТИҚЛОЛ

## Ғоялар квинтэссенцияси

Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли стратегияси ҳақиқатан ҳам беш тамойил асосида белгиланди. Иқтисодиёт сиёсатдан устун ҳолда, ҳар қандай мафкурадан холи эканлиги қайд этилди. Ўтиш босқичидек мураккаб даврда давлат бош ислоҳотчи бўлди. Қонун устуворлигига тўла эришиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва шу жараёнда кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш устувор сиёсатига айланди.

Давлат ва жамият мақоми, ривожланишининг бош стратегик мақсад-вазифаси бўлган ҳар битта тамойил — ғоя яхлит дастурий муштаракликда ғоялар квинтэссенцияси касб этди. Айни пайтда мустақил демократик ривожланишнинг янги сифат босқичлари ҳам янги стратегик ғояларга табиий эҳтиёж туйди. Натижада XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида беш тамойилни мақом жиҳатидан мазмунан тўлдирувчи мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи янги ғоялар кашф этилди. Улар ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш билан боғлиқ ғоялар квинтэссенцияси бўлди. Олти устувор йўналишдан иборат ғоялар квинтэссенцияси, И.А.Каримов таъкидлаганидек, "ўз моҳият-эътиборига кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди". Шу билан бирга, эркинлаштириш жараёнларига, беш тамойил амалиёти ўлароқ, жамиятни демократлаштириш натижаларига дастлабки босқич сифатида қараш лозимлиги уқтирилди.

Давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи, шубҳасиз, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган шарт ҳамда талаблар билан боғлиқ янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалардир. Эришилган натижалардан амалий хулосалар чиқарган ҳолда, жамиятда демократлаштириш ҳамда янгиланиш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш шу кеча-кундузги миллий тараққиётимизнинг мақсадларини ўзида тажассум этган навбатдаги стратегик дастурга эҳтиёж юзага келди. Шу тариқа демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устувор мақсад-вазифалари белгилаб олинди.

Аслини олганда, беш тамойил сингари, олти устувор йўналиш ва етти устувор мақсад-вазифа ҳар бири алоҳида-алоҳида ҳолда ғоялар квинтэссенцияси бўлиб, уларнинг муштарак мажмуидан мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос демократик ҳуқуқий ривожланиши яхлит стратегияси — ўзига мос миллий дунёвий тараққиёт дастури ёрқин намоён бўлди. Бу Ислом Каримовнинг теран шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти кашфиётидир.

## Конституционализм

Ўзбекистон — моҳиятан конституциявий давлат. Давлат мақоми, қурилиш принциплари, ҳокимият тизими Асосий Қонунда ҳуқуқий аниқ белгилаб берилган. Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш конституциявий мақсад қилиб қўйилган. Конституциянинг барча меъёрлари, принциплари, умуман, яхлит демократик одил мундарижаси ушбу мақсадга тўласинча сафарбар этилган. Конституционализм — айнан ана шу Асосий Қонунга таянувчи конституциявий давлат, деганидир.

Назарияда конституционализм Конституция ҳаёти сифатида шу Конституциянинг сиё-

Хабарлар оқимидан

## Гематологлар сафарда

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти томонидан болалар ва туғиш ёшидаги аёллар ўртасида камқонликнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. 1999-2002 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Хоразм вилоятларида махсус дастур асосида фаолият юритилгани ижобий натижалар берган эди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2003-2005 йилларга мўлжалланган шундай дастурни Андижон, Наманган, Сирдарё вилоятларида амалга оширишга киришди. Айни кунларда аҳоли ўртасида камқонликни бартараф этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг тиббиёт фанлари номзоди Д. Сулаймонова раҳбарлигидаги тарғибот гуруҳининг Наманган вилояти туман ва қишлоқларидаги учрашувлари оммада катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Қосимжон АКБАРОВ,**
**«Халқ сўзи» жамоатчи мухбири.**

## Япониялиқлар ҳиммати

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган 101-умумтаълим мактаби янги ўқув жиҳозлари, спорт анжомлари, замонавий техника воситалари билан тўлиқ таъминланадиган бўлди. Мактабга Япония ҳукумати кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш доирасида грант ажратди.

**Ўз мухбиримиз.**



# ЭЛ ХИЗМАТИДАГИ ОДАМЛАР

*Байрамлар арафасида янги-янги иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши, боғ ва хиёбонлар барпо этилиши, турар жой биноларининг қайтадан таъмирланиши хайрли анъанага айланиб қолди.*

Самарқанд темир йўл шоҳ бекати халқаро андозаларга мос равишда, шарқона меъморчилик анъаналари асосида қайта таъмирлангандан сўнг ўзгача қиёфа касб этди. Атрофи савдо маркази, ажойиб фавворалар билан безанди, яшилликка гулу-гулзорларга бурканди. Бу маскан нафақат шаҳарликларнинг, балки вилоятлардан, хорижий мамлакатлардан келаётган меҳмонларнинг ҳам севимли масканига айлантирилди. Шарқона иқлимга мос равишда бунёд этилган бу муҳташам бинода йўловчиларга юксак даражада хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Эллик метрли катта соатли минора Самарқандга кириб келаётган поездларга узоқлардан маёқдек кўриниб туради. Бекатда куну тун ҳаёт қайнайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси эса ўзининг кийиниши, юриши, муомала маданияти билан йўловчиларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Бекат орқали бир кеча кундузда 12-13 поезд ҳаракат қилади. Андижон-Саратов, Тошкент-Москва, Тошкент-Уфа поездларига ҳам шу бекатнинг ўзидан чипталар олиш имконияти яратилган. Шоҳ бекатнинг кутиш залида мамлакатимизда турли соҳалар бўйича эришилган ютуқлар акс эттирилган плакатлар, кишини эртанги порлоқ келажакка даъват этувчи лавҳалар, автомат ўйинлар, кўрсатгич ёзувлар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг илиқ муносабатлари кишида янгича фикр, ҳавас ва ҳаяжон уйғотади.

«Оналар ва болалар хонаси», «Қариялар хонаси», «Депутатлар хонаси» ҳам кўркам жиҳозланган. Кунига 1400 йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бекатда 2 та меҳмонхона, буфет-бар, сартарошхона, тиббиёт пункти, маълумотхона, суратхона кечаю кундуз ишлаб турибди. Шунингдек, бу ерда юк сақлаш хонаси, газета-журналлар, ҳар-хил саноат, уй-рўзғор, ҳамда совғабоп буюмлар сотадиган дўконлар мавжуд.

Бекатда ташкил қилинган, миллий мафкура, миллий истиқлол ғояларини тарғиб этувчи «Маънавият ва маърифат» маркази ишчи ходимларнинг севимли масканига айланиб қолди. Марказ ҳозирги замон техник воситалар билан, плакатлар, давлат рамзлари, даъваткор лавҳалар, давлатимиз харитаси, Президентимиз асарлари, тарихимиз, қадриятларимиз, динимиз, тилимизга оид китоблар, ҳукуматимиз қабул қилган ҳужжатлар, газета ва журналлар тахлами ниҳоятда дид билан безатилган. Бу ерда ҳар икки ҳафтада Президентимиз асарлари, ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида етук мутахассислар иштирокида мулоқотлар ўтказиляпти. Бу ўз навбатида одамлар дунёқарашини, тафаккурини кенгайтиришга, миллий ўзлигини теранроқ англашлари учун хизмат қилмоқда ва эртанги кунга ишонч уйғотмоқда.

**Т.САТТОРОВ,**
**«Маънавият ва маърифат» маркази Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани раҳбари.**

## От ўрнини той босар



*Шеробод туманида кулолчиликнинг ўзига хос мактаби бор. Избосар бобо, Ҳамро ва Тўлабой Ашуров каби уста кулоллар ушбу мактаб ривожида ўз ҳиссасини қўшишган. Ўзбекистон халқ устаси, таниқли кулол-рассом Қудрат Асроров ҳам ана шу мактабда камолга етган. Унинг ижоди қадимий, анъанавий ва замонавий кулолчилик усулини мужассам этганлиги билан алоҳида ажралиб туради.*

*Уста Қудрат Асроровнинг ижоди ранг-баранг, бири иккинчисини такрорламайди. Уста бу ҳунар сирларини мукаммал эгаллагани боис, ўз асарларига ҳақиқий маҳорат, бадиийлик ва нафисликни сингдира олган. Унинг ижод намуналари Тошкент, Москва, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Германия каби мамлакатларда намойиш этилган.*

*Бугунги кунда Қудрат Асроров кўплаб шогирдлар етиштирмоқда. Фарзандлари ҳам ота касбини танлашди. Ўғиллари — Ўткир ва Беҳзод Қудрат аканинг ишончли тоғи. Шуни айтадилар-да, от ўрнини той босар, деб.*

***СУРАТДА:** Ўзбекистон халқ устаси Қудрат Асроров ўғиллари — Ўткир ва Беҳзод билан.*

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
05

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
Фарғона шаҳрининг Алишер Навоий кўчасидаги «Бизнес маркази» биноси қурилиши ишларини бажариш учун
танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

**Қурилиш ишларини якунлаш муддати** — йилдан-йилга ўтадиган иншоот.
**Буюртмачи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб — қувватлаш қўмитаси Фарғона вилояти бўлими.
**Манзили:** Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 13-уй.
**Тел./факс:** 24-29-61.
Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет ва давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси). Тел./факс: 26-43-19, 26-82-93.***

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).**
7778Н/1780

# ЧИНОРИ

сий тизимга сингиб кетиши ифодаси, деб талқин этилади. Ана шу назарий асосдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда Асосий Қонун давлат сиёсий тизимига бутунлай сингиб кетганлигини тўлиқ эътироф этса бўлади. Айнан конституционализм бугунги кунда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумга нисбатан умуммиллий бирликни, якдил барқарорликни таъминловчи тақдириломон омилга, ҳокимиятнинг конституциявий усулига айланди.

Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотлар ва конституциявий ривожланиш бевосита конституциявий давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, Асосий Қонуннинг сиёсий тизимга уйғун сингиб кетишини тўлиқ таъминлаш, демак, конституционализмга эришиш билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, амалдаги Конституциянинг 30 та моддасига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар мазмун-мундарижалари билан айнан конституциявий давлатчилик орқали конституционализм сари юз тутган Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий мақомини яна бир бор тасдиқлади. Айни пайтда амалдаги Асосий Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга, хусусан, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш орқали **адолатли очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга,** барқарорлик, тинчлик, тараққиёт, халқ фаровонлиги, осойишталиги йўлидаги миллий тадрижий камолотга, давлат ҳокимияти органлари таркиби ва фаолиятини такомиллаштиришга, жамиятда Конституция ҳамда қонун устунлигини тўлиқ таъминлашга, демак, конституциявий давлатчилик пойдеворини мустаҳкамлаб, Ўзбекистонда конституционализмнинг тантанасига хизмат қилади.

### Адолат – сиёсий санъат қоидаси

Демократик ҳуқуқий давлат мақомида Ўзбекистон «Адолат – қонун устуворлигида» тамойилини бош стратегик мақсад қилиб олди. Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш, унга ҳурмат руҳида тарбиялаш, айни чоғда, давлатнинг ўзи қабул қилган Конституция ва қонунлар талабларига қатъий риоя қилишига эришиш чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг воситаси, муҳим тақдириломон шартидир.

Ўзбекистон ўн икки йиллик миллий истиқлол ривожида ана шу талабларга қатъий амал қилгани ҳолда, қонун устуворлигини ўз тараққиётининг асосий стратегик тамойили, деб билди. Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилган ишлар мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантирди. Суд жазолаш аппарати эмас, балки ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли қўриқлаш, ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айлана бошлади. Суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги, таъсирчан фаолияти амалда таъминланаётгани фуқароларнинг одил судловга, демак, давлатга, адолатга ишончлари мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Судларнинг том маънода мустақиллигигина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақуқий устуворлиги сўзсиз таъминланиши кафолати, деган ҳақиқат «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларда ўз ҳуқуқий мақомини топди. Қолаверса, янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда, шунингдек, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий-ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунда адолатли ҳукмрон жамиятнинг ҳуқуқий кафолатлари янада мустаҳкамланди.

Эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг бевосита жиноятчиликка қарши кураш соҳасида амалга оширила бошланган адолат тамойили ўлароқ, жазо тизимида жиноят содир этган шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашга берилган устувор аҳамият Йўлбошчимизнинг жиноий жазо тизимига киритган инсонпарвар, инқилобий янгилиги бўлди. Ушбу ғоянинг жиноий жазони эркинлаштириш билан боғлиқ аниқ амалиёти ўлароқ, жорий йилнинг биринчи ярмида оғир ва ўта оғир жиноятлар, жумладан, қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, ўғирлик, талончилик, товламачилик ҳамда автотранспортни олиб қочиш каби жиноятлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 фоиздан 23 фоизга камайди, жиноий жазоларни ўтаб қайтган шахсларнинг қайта жиноятга қўл уриши ҳолатлари кескин озайди, 10 мингга яқин маҳкум амнистия қилинди.

Адолат ва қонунийлик йўлида олиб борилаётган ишлар, шубҳасиз, Ислом Каримов сиёсий, ҳуқуқий ва инсонпарварлик таълимотининг амалий ижроси маҳсулидир. Чунки айнан Йўлбошчимиз адолатни ўз сиёсатининг одил қоидасига айлантирган.

### Ижтимоий тараққиётнинг олий ютуғи

Фуқаролик жамияти — ижтимоий тараққиётнинг олий ютуғи. Замон императиви сифатида у демократик жамиятнинг асослари фаол барпо этилаётган, умуминсоний қадриятлар, чинакам демократиянинг, инсон эркинлиги ва ҳуқуқининг умумдунё тан олган меъёрлари устуворлиги таъминланган ҳуқуқий давлат бўлиши шарт. Ўзбекистонда ушбу мақомдаги конституциявий давлат ва унинг негизида очиқ фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Бундай жамиятнинг миллий ўзига хослиги шундаки, у "ўзбек модели"нинг интеграциялашган стратегияси, тараққиётнинг инсонпарвар-тамаддун йўналишини ифодаловчи ижтимоий ҳаёт қурилишининг аниқ шакли, турли соҳаларда демократик муносабатларнинг уйғунлиги, ҳуқуқ ҳамда эркинликнинг мажмуи мақомларида қизғин кечаётган туб ислоҳий янгиланишларнинг асос-моҳиятига айланди. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг еттита устувор мақсад-вазифалари фикримизнинг исботидир.

Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, мамлакат хавфсизлиги, барқарорлиги, ҳудудий яхлитлиги, дахлсизлиги, фуқаролар тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор, ўзаро мутаносиб мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти — эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлиги, ошкораликни таъминлайдиган демократик тамойилларни ҳаётда қўллаш, жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамиятини кескин кучайтириш, суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларини изчил давом эттириш ўз навбатида барча ислоҳотларнинг бош йўналиши, самарадорлигининг пировард натижасини белгиловчи инсон омили, инсон мезони, шубҳасиз, Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этишнинг, демак, ижтимоий тараққиётда самарали натижаларга эришишнинг кафолатига айланиши муқаррардир.

**Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,**
**академик.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

*(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2003 йил июль ойи учун маълумот):*

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар — резидентларга нақд хорижий валюта ва йўл чекларини мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 21 июндаги 535-сон қарори (янги таҳрирда).*
***2003 йил 3 июлда 1253-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 13 июлдан кучга киради).***

2. «Кинология хизмати ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий қоидаларини тасдиқлаш ҳақида *«Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2003 йил 23 июндаги 39-сон буйруғи.*
***2003 йил 3 июлда 1254-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 13 июлдан кучга киради).***

3. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида *«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 7 июндаги 12/5-сон қарори.*
***2003 йил 3 июлда 1204-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 13 июлдан кучга киради).***

4. «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки ўртасида алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлар айланмаси бўйича электрон ахборот алмашинуви қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида *«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг 2003 йил 17 июндаги 2003-56, 224-В-1-сон қарори.*
***2003 йил 10 июлда 1172-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 20 июлдан кучга киради).***

5. «Контрактларни мустақил экспертиза қилувчи ва импорт қилинадиган товарларни жўнатиш олдидан назоратдан ўтказиб борувчи консалтинг фирмаларини аккредитация қилиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзстандарт агентлигининг 2003 йил 27 июндаги 10-7-сон қарори.*
***2003 йил 11 июлда 481-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 21 июлдан кучга киради).***

6. «Икки ва ундан ортиқ йил давомида сотилмаган корхоналар акция, улуш (пай)ларини ва яхлит объектларни инвесторларга объект нархига инвестиция мажбуриятларини киритиш шарти билан сотиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида *«Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 16 июндаги 01/06-3-сон қарори.*
***2003 йил 11 июлда 1153-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 21 июлдан кучга киради).***

7. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида *«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 5 июлдаги 01-02/18-26-сон қарори.*
***2003 йил 16 июлда 834-10-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 26 июлдан кучга киради).***

8. «Давлат активларини номиналдан паст нархлар бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2003 йил 16 июлдаги 01/06-6, 79, 8-сон қарори.*
***2003 йил 16 июлда 1255-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 26 июлдан кучга киради).***

9. «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида *«Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2003 йил 3 июндаги 151-сон буйруғи.*
***2003 йил 16 июлда 1256-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 26 июлдан кучга киради).***

10. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида тест ўтказиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2003 йил 16 июндаги 1-сон мажлис баёни билан тасдиқланган.*
***2003 йил 16 июлда 1257-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 26 июлдан кучга киради).***

11. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида *«Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2003 йил 26 майдаги 2003-08-сон буйруғи.*
***2003 йил 17 июлда 1258-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 27 июлдан кучга киради).***

12. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил қилиш ва уни юритиш тартиби бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2003 йил 15 июлдаги 457-сон буйруғи.*
***2003 йил 18 июлда 1259-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 28 июлдан кучга киради).***

13. «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 июлдаги 76, 2003-62-сон қарори.*
***2003 йил 21 июлда 1260-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2003 йил 31 июлдан кучга киради).***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Олий ўқув юртларида тест ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг мажлиси баёни билан тасдиқланган (2002 йил 25 июнда 1154-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*
***Адлия вазирининг 2003 йил 16 июлдаги 122-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (1999 йил 20 апрелда 707-сон, 1999 йил 20 майда 707-1-сон, 2002 йил 18 апрелда 707-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*
***Адлия вазирининг 2003 йил 17 июлдаги 123-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини ундириш, ҳисобга олиш ва сарфлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори.*

2. «Суғурта қилинувчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи.*

3. «Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларни тамғалаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи.*

4. «Инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.*

5. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан солиқларни тўлаш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк бошқарувининг қарори.*

6. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитасининг қарори (12 та ҳужжат).*

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ва улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.**

**IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:**

1. «Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи.*

2. «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, тушум пулини инкассация қилиш, қимматликларни ташишга доир йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори (янги таҳрирда).*

3. «Таркибида 30 фоиз ва ундан ортиқ спирт бўлган арок, коньяк (бренди) ва бошқа алкоголь маҳсулотлари, шунингдек таркибида 10 фоиздан 30 фоизгача спирт бўлган спиртли вино ҳамда бошқа узум, мева ва бошқа алкоголли ичимликлар, таркибида 10 фоизгача спирт бўлган вино, шампан виноси ва кам қувватли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ушбу маҳсулотларга қўшимча акциз солиғини ҳисоблаш ва кўрсатилган маблағларни «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХКнинг махсус ҳисобига ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида *«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.*

4. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали олиб кириладиган товарлар намуналари ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.*

5. «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.

6. «Божхона брокери тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.*

7. «Давлат улушларини бошқариш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг қарори.*

8. «Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва аҳоли пунктларида турар жойларни таъминлаш, таъмирлаш ва коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзкоммунхизмат агентлигининг буйруғи.*

9. «Тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестиция иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан солиқ имтиёзларини қўллаш ва бўшаб қолган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг қарори.*

10. «Илмий унвонлар бериш тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг қарори.*

11. «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг қарори.*

12. «Ихтисослашган кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг қарори.*

13. «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг қарори.*

14. «Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий суғуртасини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қарори.*

15. «Темир йўл транспорти билан юк ортиш ва тушириш ишларида меҳнат муҳофазаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Саноатконтехназорат агентлигининг буйруғи.*

16. «Нефть маҳсулотларини етказиб бериш, сотиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *«Ўзбекнефтегаз» компанияси ва Молия вазирлигининг қарори.*

17. «Буюртмачи ҳисоботи, танлов асосидаги савдо натижаларини келишиш ва уни рад этиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Давархитектқурилиш қўмитасининг қарори.*

18. «Ўзбекистон Республикаси ичидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори.*

19. «Ўзбекистон Республикасида товар белгисини умумэътироф этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Патент идорасининг буйруғи.*

20. «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг қарори.*

21. «Банкнинг ҳисоб сиёсати ва молия ҳисоботи тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори.*

***Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар аниқланди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1993 йил 13 декабрдаги АГ/05-570-сон хати.

2. «Ижтимоий таъминот органлари томонидан юридик шахсларга нисбатан регресс талаблар бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1999 йил 16 июлдаги 102-сон буйруғи.*

3. Божхона хизмати ва банк муассасаларининг экспорт-импорт операциялари устидан валюта назоратини амалга ошириш бўйича ўзаро фаолияти тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

4. Ёқилғи ва электрни ишлаб чиқаришда уни ҳисобга олишни ташкил қилиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш тартиби. *Ўздавстандарт томонидан тасдиқланган.*

5. Ёқилғи ва электрни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, улардан фойдаланишни ташкил қилиш қоидалари. *Ўздавстандарт томонидан тасдиқланган.*

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимномалар киритилди.**

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.**

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.**

*«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси қошида уч ой бурун ташкил этилган янги, «Ўзбегим юлдузлари» деб номланган ашула ва рақс дастаси мустақилликнинг ўн икки йиллигига бағишланган биринчи концерт дастурини томошабинларга намойиш этди. Уни томоша қилар эканмиз, кўз олдимизда бирин-кетин истиқлол замонида эришилган ютуқлар ажойиб қўшиқ ва рақс композициялари орқали ранг-баранг шаклларда намоён бўлади. Томошабинлар эътиборига ҳавола этилган ҳар бир асар даста ижодкорлари, дастурни яратишда иштирок этган истеъдодли бастакор ва шоирлар катта бадиий дид, ва маҳоратга эга санъаткор эканликларини кўрсатди.*

# Рақс фақат ўйин эмас



Санъат

Бу концерт дастури албатта ўз-ўзидан туғилмади ва яратилмади.

Юртбошимизнинг миллий маданият, қўшиқчилик ва рақс санъатига кўрсатаётган эътибори асосида иш олиб бораётган «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси янги ижодий гуруҳнинг ташкил этилишига ниҳоятда катта талабчанлик билан ёндошди. Барча ижодий, молиявий ечимларни ҳал қилиб, кўп қиррали ижодий фаолият олиб бориш учун керакли имкониятлар яратиб берди. Шу ўринда мазкур дастани ташкил этиш бугун зарурмиди деган савол туғилиши табиий. Нима, Ўзбекистонда рақс дасталари камми?

Ўзбек миллий рақс санъатининг энг йирик усталаридан бири, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева 1957 йили «Баҳор» халқ рақс дастасини ташкил этиш жараёнида шундай деган эди: «Юртимизда биринчи профессионал рақс ансамбли ҳам ўз ишини бошламоқда. Ўзбек миллий рақс санъатининг донғи ҳали кўп юртларга тарқалади, она Ватанимизда ҳали бир-бирига ўхшамас рақс дасталари очилади. Улар рақс санъатимизни янада ривожлантиришда, унинг кўп асрлик ютуқларини, хилма-хил ва ранг-баранг қирраларини, воҳаларимизга мансуб бўлган алоҳида ижодий йўналишларни очиб беришда ўз ҳиссаларини қўшадилар... Бугун устоз орзулари рўёбга чиқмоқда. Бизнинг қадим халқ ашулаларимиз, айтишув ва лапарларимиз, мумтоз рақсларимиз беҳисоб. Ҳали қанча-қанча бебаҳо санъат дурдоналари саҳна юзини кўрмаган, санъатсевар халқимиз ҳали улар билан тўлалигича диллашмаган ва дардлашмаган. Хуллас олтин сандиқ меросимиз тўлиб-тошиб ётибди. Уларга жон бахш этиш ва тарғиб қилиш заруратга айланиб бормоқда.

«Ўзбегим юлдузлари»нинг асосий мақсади, режалари билан танишамиз. Маълумки, охирги 5-6 йил давомида мақом ижодиётига бўлган эътибор бир оз пасайиб, халқимиз ҳам ундан узоқлашиб қолгандек эди. Янги дастанинг изланишлари айнан Шашмақом билан боғлиқ экан. «Дастанинг ижодий фаолиятини Алишер Навоийнинг шеърий олами билан боғламоқдамиз, — дейди суҳбатимиз орасида Ўзбекистон халқ артисти, машҳур найчи, дастанинг мусиқа раҳбари Абдулаҳат Абдурашидов. — Сиз кўриб турган 50 дан ортиқ бир-биридан гўзал ва истеъдодли раққосаларимиз, хонанда ва созандаларимиз саҳналаштираётган янги «Шашмақом» композициясига тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Дастамиз йўналиши кўп қиррали. Асосий мақсадимиз томошабин талабларига ҳар томонлама ва тўлиқ жавоб бериш, уларни маънавий қониқтириш. Раққоса қизларимиз нафақат мақомнинг ички тузилмалари, моҳияти, балки бугунги энг замонавий эстрада қўшиқларини жонлантириш ва янги шоу — эстрада томошаларида иштирок этишлари кўзда тутилган, — дейди дастанинг бош рақс устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Сотиволдиева. — Мана, Хоразм рақс мактабининг катта билимдони Света Худойбергановани ишга таклиф этдик. Бу раққосамиз эса Бухоро вилоятидан Орзигул Авезова. Бухоро ва умуман Зарафшон водийси рақс мактаби йўналишининг рақс устаси. Энг ёш ва истеъдодли раққоса қизимиз Феруза Ахатова Фарғона водийсидан. Ҳозирда биз ёш хонанда, «Ниҳол» мукофоти совриндори Аброр Парпиев билан биргаликда Навоий ғазали, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов мусиқаси билан «Гулузорим» қўшиқ ва рақс композициясини машқ қилмоқдамиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги пайтларда миллий рақс санъатида қатор муаммолар пайдо бўлиб қолди. Бу камчиликни нафақат мутахассислар, қолаверса рақс шинавандалари ҳам пайқадилар. Гап шундаки, ўзбек миллий рақс санъатидаги учта — Фарғона, Тошкент, Хоразм ва Бухоро мактаблари яъни йўналишлари ўз қонун-қоидаларини йўқотиб қўйди. Рақс мактаблари бир-бирларига қўпол ҳолда аралашиб кетди. Саҳнада ижро этилаётган рақс қайси воҳага, қайси рақс мактабига мансуб — буни англаш қийин бўлиб қолди. Бу масалани рақс усталари, рақс дасталари раҳбарлари Қодир Мўминов, Маъмура Эргашева, Юлдуз Исматова, Дилафрўз Жабборовалар ўйлаб кўрсалар яхши бўлар эди. Кўплар рақс санъатига иккинчи ва ҳатто учинчи даражали санъат деб қарайдиган бўлиб қолдилар. Баъзан қўшиқчилик санъати рақс санъатини босиб кетгандай. Қўшиқчиликнинг кенг ривожлангани яхши. Лекин биз бугун соф ўзбек рақсларини кўпроқ ялла орқали, яъни қўшиқчи хонанда атрофида томоша қиладиган бўлиб қолдик. Рақс хироми ва жозибаси алоҳида ажралиб туриш ўрнига хонанда — ашулачининг бир «безаги» вазифасини бажараётир, рақс усталари охирги пайтда кўпроқ раққосаларнинг ҳуснига, қадду-қоматига эътибор қаратиб, уларнинг ички оламини четда қолдириб кетмоқдалар. Ахир қани, ўзбек аёли, қизларининг ўзига хос латофати, ибоси, нафосату назокати? Қани чуқур ўйга толдирадиган, завқ-шавқ берадиган, жозибаси жонга жо бўладиган халқ ўйинлари-ю, мумтоз рақслар? Ўн саккизинчи асрнинг охирида ўзбек халқ рақслари йирик билимдони Муҳаммадхон Бидёршумнинг ўз шогирдларига қарата мунтазам шуғулланинг, гавда, қўл, оёқ, кўз, қош — хуллас тананинг барча аъзолари шундай тилга кирсинки, ҳар бири мазмун ифода этсин, шахснинг ва у яшаган даврнинг руҳини бера олсин, деган сўзларини рақс усталари ва раққосалар ҳеч қачон унутмасликлари керак.

**Аҳмаджон РАҲИМОВ,**
**санъатшунос.**


*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармасининг САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

*қуйидаги ҳар хил қалинликдаги газ қувурлари, асбоб-ускуна ва жиҳозларни харид қилиш бўйича*

***танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.***

| № | Металл газ қувурлари | Миқдори (тонна ҳисобида) |
|---|---|---|
| 1. | Д=325*9 | 44,661 |
| 2. | Д=325*6 | 4,72 |
| 3. | Д=219 | 27,779 |
| 4. | Д=219*8 | 117,094 |
| 5. | Д=219*9 | 49,669 |
| 6. | Д=219*7 | 7,535 |
| 7. | Д=219*6 | 5,92 |
| 8. | Д=159*7 | 27,897 |
| 9. | Д=159*5,5 | 2,915 |
| 10. | Д=159*5 | 14,697 |
| 11. | Д=133*5 | 3,297 |
| 12. | Д=127*6 | 0,500 |
| 13. | Д=127*7 | 2,308 |
| 14. | Д=108*5 | 1,184 |
| 15. | Д=114*5 | 21,187 |
| 16. | Д=114*6 | 1,147 |
| 17. | Д=110*7 | 3,306 |
| 18. | Д=76*5 | 0,612 |
| 19. | Д=89 | 1,379 |

**Буюртмачи** — «Самгазтаъминот» шўъба корхонаси.
**Манзили:** Самарқанд шаҳри, Миршаропов кўчаси, 15-уй. **Телефон:** 21-02-98.

| № | Асбоб-ускуна номи ва русуми | Ўлчов бирлиги | Умумий миқдори |
|---|---|---|---|
| 1. | Насос Д-320/50 эл.двигатели билан 75 квт. 1500 айл./мин. | тўплам | 1 |
| 2. | Чўян задвижка Д-300 | дона | 2 |
| 3. | Ёритгич ускунаси ДРИ-250 лампаси билан тургичли, торшер Л-2,5 м | тўплам | 38 |
| 4. | Ёритгич РКУ-250 лампаси билан ДРИ-250 | тўплам | 5 |
| 5. | Ёритгич ПКН-1000 лампаси билан 1000 | тўплам | 4 |
| 6. | Ёритгич ЛБ-40 | дона | 50 |
| 7. | Электр тақсимлагич РЛНДА 16-400 | тўплам | 2 |
| 8. | Насос СНПЭ-500/10 эл.двиг. билан 110 квт 1000 айл./мин. | тўплам | 1 |

**Буюртмачи** — Самарқанд вилояти 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.
**Манзили:** Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 62-уй. **Телефон:** 34-37-13.

Асбоб-ускуналарни харид қилиш давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар, танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағлар ва материаллар захирасига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг Самарқанд вилояти филиалига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона. Телефон: 31-13-51.**

*Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 40 000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.**

**O'ZSANOATQURILIShBANK**
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади !


# Эшитгандан кўрган афзал

Бир неча кундирки, пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик театрида «Келди-ю, кетди» студияси маҳсулоти «Тақдир зарбаси» фильми намойиш этилмоқда. Таниқли қизиқчи Валижон Шамшиев сценарийси асосида яратилган бу фильмга Эргаш Мўминов режиссёрлик қилган. Унинг бош қаҳрамони Азизжоннинг қисмати, ўз отасига муносиб ўғил бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда бу спорт турини эгаллашдаги жонбозликлари кишини ҳайратга солади. У ўз мақсадига эришади ҳам. Валижон Шамшиев томонидан ижро этилган Азизжон роли тўлақонли талқин этилган. Фильмда тақдирнинг зарбаларига учраган матонатли каратэчи Хўжамқул Хўжақулов образи ҳам ўзига хос яратилган. Дилбар Икромова, Эркин Комилов талқинидаги роллар ҳам ўз эгасини топгандай. Фильм олдидан Валижоннинг мухлислар билан ижодий учрашуви ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда. «Тақдир ҳазили»ни кўрар экансиз, Валижонни нафақат қизиқчи, балки, актёр сифатида ҳам ўз йўналишига эга эканлигига амин бўласиз. Фильм томошабинни ҳам кулдиради, ҳам йиғлатади, ҳам ўйлатади. Албатта, минг бор эшитгандан, бир кўрган афзал.

**М. ЁҚУБОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ТАНЛОВ**

Давлат солиқ қўмитаси, Тадбиркорларни информацион қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий фонди ва "Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси таҳририяти



**30 СОНИЯЛИК ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТДАГИ РЕКЛАМА РОЛИГИНИНГ ЭНГ ЯХШИ СЦЕНАРИЙСИ УЧУН ТАНЛОВ эълон қилади.**

**СЦЕНАРИЙ ҒОЯСИ** — *ҳар бир фуқаронинг солиқлар тўловига ўзининг энг асосий мажбурияти сифатида муносабатда бўлишини шакллантириш.*

**ҒОЛИБЛАР УЧУН:**
*I мукофот - рангли телевизор;*
*II мукофот - видеомагнитофон;*
*III мукофот - радиомагнитола.*

Танловга тақдим этиш учун сценарий матнини (ўзбек ёки рус тилида) конвертга солинг; конвертда ўз шиорингиз кўрсатилган бўлиши лозим. Конвертга бошқа конверт солиб (унда ҳам ўз шиорингизни кўрсатишни унутманг) ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни ёзиб, елимланг: исми, шарифингиз (тўлиқ), паспорт маълумотлари, ихтисосингиз, иш жойингиз ёки машғулотингиз, манзилингиз, телефонингиз рақамини кўрсатинг (бу конверт танловга якун ясалгандан сўнг очилади).

*Танлов учун материаллар 2003 йилнинг 1 октябригача "Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси таҳририятида - Абай кўчаси, 4-уй (Солиқ қўмитасига қарашли бино), 416-хонада қабул қилинади. Тел. 144-44-45.*

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

**САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

КУРОРТОЛОГИЯ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА (6)



**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Манзил: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 4-уй, Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий—текшириш институти.

Телефонлар: 34-55-00, 34-30-77, 34-34-10.



# НИЗОМИЙ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**РАҲБАРИЯТИ ВА ЖАМОАСИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭНГ НУФУЗЛИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ УНИВЕРСИТЕТИМИЗГА ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРИБ, ДАВЛАТ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ БИЛАН ПУЛЛИ-ТЎЛОВ ШАРТНОМА АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН БАРЧА АБИТУРИЕНТЛАРНИ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**
**ТАЪЛИМ ТУРИ, ТИЛИ ВА ШАКЛИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ БАЛЛАР ТЎПЛАГАН АБИТУРИЕНТЛАРНИ УНИВЕРСИТЕТ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА МУРОЖААТ ЭТИБ, ШАРТНОМАЛАРНИ 2003 ЙИЛ 28 АВГУСТГАЧА РАСМИЙЛАШТИРИШЛАРИНИ СЎРАЙМИЗ.**
**ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ УНИВЕРСИТЕТНИНГ 4-ЎҚУВ БИНОСИДА ЖОЙЛАШГАН.**

*Таълим шакли — кундузги*

| Таълим йўналишлари | | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1001 | – *Математика ва информатика* | 115,30 дан 97,20 гача |
| 1002 | – *Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими)* | 94,90 дан 74,20 гача |
| 1004 | – *Кимё ва экология* | 153,40 дан 131,60 гача |
| 1005 | – *Биология ва инсон ҳаётий фаолияти муҳофазаси* | 152,40 дан 135,80 гача |
| 1006 | – *География ва иқтисодий билим асослари* | 117,40 дан 101,60 гача |
| 1007 | – *Ўзбек тили ва адабиёти* | 125,00 дан 108,70 гача |
| 1015 | – *Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари* | 130,30 дан 114,00 гача |
| 1018 | – *Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш* | 103,60 дан 83,60 гача |
| 1019 | – *Мактабгача таълим ва болалар спорти (Мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология)* | 102,50 дан 75,00 гача |
| 1021 | – *Педагогика ва психология* | 124,30 дан 100,80 гача |
| 1025 | – *Инглиз тили* | 136,80 дан 113,30 гача |
| 1026 | – *Немис тили* | 142,60 дан 121,00 гача |
| 1033 | – *Тарих* | 122,40 дан 107,6 гача |
| 1042 | – *Машинасозлик* | 87,90 дан 75,50 гача |
| 1045 | – *Агрономия* | 138,70 дан 100,20 гача |
| 1150 | – *Мусиқий таълим* | 114,90 дан 78,10 гача |
| 1182 | – *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* | 123,20 дан 66,20 гача |
| 1275 | – *Амалий санъат* | 127,30 дан 96,80 гача |
| 5201 | – *Қозоқ тили ва адабиёти* | 100,40 дан 59,50 гача |

*Таълим шакли — сиртқи*

| Таълим йўналишлари | | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1001 | – *Математика ва информатика* | 127,50 дан 116,10 гача |
| 1002 | – *Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими)* | 108,10 дан 95,90 гача |
| 1004 | – *Кимё ва экология* | 152,20 дан 145,30 гача |
| 1005 | – *Биология ва инсон ҳаётий фаолияти муҳофазаси* | 153,50 дан 146,20 гача |
| 1006 | – *География ва иқтисодий билим асослари* | 123,20 дан 114,80 гача |
| 1007 | – *Ўзбек тили ва адабиёти* | 118,70 дан 112,70 гача |
| 1015 | – *Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари* | 145,70 дан 124,70 гача |
| 1018 | – *Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш* | 111,20 дан 105,10 гача |
| 1019 | – *Мактабгача таълим ва болалар спорти (Мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология)* | 112,10 дан 99,40 гача |
| 1021 | – *Педагогика ва психология* | 121,90 дан 104,30 гача |
| 1033 | – *Тарих* | 123,60 дан 111,90 гача |
| 1042 | – *Машинасозлик* | 108,20 дан 90,10 гача |
| 1150 | – *Мусиқий таълим* | 109,20 дан 93,10 гача |
| 1182 | - *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* | 122,30 дан 110,30 гача |
| 1275 | – *Амалий санъат* | 127,90 дан 117,40 гача |

*Таълим шакли — махсус сиртқи*

| Таълим йўналишлари | | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1002 | - *Меҳнат таълими* | 75,30 дан 56,70 гача |
| 1018 | - *Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш* | 80,60 дан 56,70 гача |
| 1150 | – *Мусиқий таълим* | 120,40 дан 63,70 гача |
| 1182 | - *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* | 114,30 дан 64,50 гача |

***Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.***
***Қабул комиссияси телефон рақами: 55-70-27.***

*Биз сизни кутамиз, азиз талабалар!*


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари, наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссияси аъзоси Рустам Аҳлидиновга волидаи муҳтарамаси
**ШАРИФАХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Иброҳимовага онаси
**Муаззам ИБРАГИМОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси жамоаси бошқарма бўлим бошлиғи Алижон Маҳкамовга падари бузруквори
**ВАҲОБ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбексавдо» ациядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси савдо ва меҳнат фахрийси
**Пўлат МИРШОҲИДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси «Фарғонатурист» ҳиссадорлик жамияти раиси Зафар Эргашевга акаси
**Қаҳрамон ЭРГАШЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 768. 22690 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6